



ISTIQLOL

NAMANGAN TUMAN HOKIMLIGINING GAZETASI

Gazeta 1962 yil 10 iyundan chiqa boshlagan

www.uzistiqlol.uz

3 (6076). 2024-YIL 26-YANVAR JUMA. BAHOSI ERKIN NARXDA.

САЙЁР ҚАБУЛ - МУРОЖААТЛАР ВА МУАММОЛАР ЕЧИМИ



лиқ билдирилган бир қанча масалалар атроф-лича кўриб чиқилди ва уларга ечим топилди.

Қабулда иштирок этган тегишли мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари аҳолидан тушган мурожаатларни тегишли тартибда ҳал этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Туман ҳокими Садриддин Мўминов биринчи сектор ҳудудидаги 39-сонли умумтаълим мактабида навбатдаги фуқаролар сайёр қабулини ўтказди. Қабул давомида фуқаролар томонидан уй-жой, тадбиркорлик, моддий ёрдам, имтиёзли, кредит олиш, тиббий хизмат, иш билан таъминланиш билан боғ-



Дастур ижроси таъминланмоқда



Тумандаги "Яшнаобод" маҳалласида "Обод маҳалла", "Обод кўча" ва "Обод хонадон" дастури ижросини таъминлаш учун амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Шу кунларда ҳашар асосида хонадонлар ва 7 та кўчада иш жараёнлари қизгин кетмоқда. Асосан, маҳалла инфратузилмаси, кўчалар, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли яшаш хонадонларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг баробарида ҳудудда ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.

Туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги халқ қабулхонаси, сектор раҳбарлари ҳамда тумандаги масъул ташкилотлар иштирокида кунлик вазифалар белгилаб олинмоқда.

Отабек ХОДЖИМЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
тумандаги халқ қабулхонаси мудир.

БАРЧА ИСЛОҲОТЛАРДА ИНСОН ТАҚДИРИ МУЖАССАМ

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрда қабул қилинган 539-сонли қарорига асосан Республикаимиз Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун аризаларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига киритиш 2024 йил 1 январдан амалга оширилиши белгиланди. Шу билан бирга ана шу ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 ноябрдаги қарори билан 2021 йил 21 октябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Киритилган ўзгартиришларни асосийларини келтириб ўтсак, улар қуйидагилардан иборат эканлигини кўришимиз мумкин, яъни:

-Аввалги қарор мезонига асосан, бандлик органларига иш қидирувчи ёки маслаҳат олиш учун мурожаат қилган фуқародан нафақа тайинлашда расмий бандлик талаб этилмас эди. Ушбу фуқароларнинг аксарияти нафақа тайинлангандан сўнг бандлик органига иш излаб қайтиб мурожаат қилмаган ҳамда бандлиги таъминланмаган ва бунинг натижасида норасмий даромад билан шуғулланаётган ўзига тўқ оила аъзолари бандлик органига мурожаат қилиш орқали нафақа тайинлаш ҳолатлари мавжуд бўлган. Киритилган ўзгартиришдан сўнг ҳақиқатда иш изловчи сифатида бандлик органидан рўйхатдан ўтган фуқаролардан бандлик талаб этмаслик имтиёзи қолдирилмоқда. Бунда фуқаро 3 ой давомида ишга кирмаса, касбга ўқимаса, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд тоифага кирмаса ва иш бўйича таклифларни рад қилса, тўлови тўхтатилади.

Оила аъзосини чет элда ишлаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар маҳалла раиси томонидан белгилаб берилар эди. Бу маълумотларни маҳалла томонидан инсон омили натижасида нотўғри тақдим этиш ҳолатлари мавжуд бўларди. Қарордан сўнг эса фуқаро чет элда эканлиги тўғрисида маълумотлар персоналлаштириш агентлиги ахборот тизимидан электрон шаклда олинади. Бунда ариза берилган санадан камида 1 ой аввал Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетган ва республикаимизга қайтмаганлиги қайд этилган фуқаро чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи шахс сифатида қабул қилинади.

Ишлаб чиқарилган муддати 7 йилгача бўлган автомашинаси мавжуд оилага нафақа тайинлаш рад этилар эди. Бу эса ишлаб чиқарилганлигига 7 йилдан ошган қимматбаҳо ёки хорижда ишлаб чиқарилган автомашинаси мавжуд оилалар-

га нафақа тайинланиши, бошқа фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлган эди. Ўзгаришдан сўнг ишлаб чиқарилганлигига 12 йилгача бўлган автомашинаси мавжуд оилаларга нафақа тайинлаш рад этилиши белгилаб берилди. Бунда оилада I ёки II гуруҳ ва 18 ёшгача болаликдан ногирон бўлса, ишлаб чиқарилганлигига 7 йилдан ошган машинаси бор оилага нафақа тайинлашни рад этмаслик тартиби сақлаб қолинди.

Аввалги қарор бўйича нафақа тайинлашда оиланинг руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида турган аъзоси бўлса, лекин ногиронлик белгиланмаган шахсларни ҳам расмий банд эмаслиги сабабли рад этилган. Қарор ўзгариши билан эса нафақа тайинлашда руҳий касаллиги сабабли диспансерда расман рўйхатдан ўтган фуқаролардан бандлик талаб этмаслик бўйича имтиёз берилди.

Бундан ташқари алоҳида яшаб келаётган, расман никоҳи бекор қилинмаган эрхотин бир оила сифатида қабул қилиниб, даромади ва бандлиги умумий баҳоланган. Алоҳида яшаётган бўлса ҳам турмуш ўртоғининг катта миқдордаги иш ҳақи ёки автомашинаси мавжудлиги сабабли нафақа тайинлаш рад этилаётган эди. Ваҳоланки, турмуш ўртоғидан фақат алимент олади, холос. Янги қарор билан эса расман никоҳи бекор қилинмаган алимент тўлаётган эр (хотин) нафақа тайинлашда оила таркибига киритилмаслиги кўрсатиб кетилди.

Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири нафақа тайинлангандан сўнг оиланинг иқтисодий ҳолати яхшиланганлиги қайта баҳоланмасди (яъни ўрганилмас эди) ҳамда муддат (12 ой) якунига қадар тўлов амалга оширилар эди. Бу эса нафақа тайинлангандан кейин расмий даромади ошса, кўчмас мулк ёки автомобиль харид қилса ҳам нафақа олишни давом эттириши бошқа аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда эди. Қарорга киритилган ўзгаришга асосан ижтимоий нафақа тайинлангандан сўнг ахборот тизими ёрдамида ҳар ойда оиланинг иқтисодий аҳоли автоматик равишда мониторинг қилинади ҳамда иккинчи кўчмас мулк, янги автотранспорт харид қилган ёки юқори иш ҳақи олишни бошлаган бўлса, кейинги тўлов рўйхатларини шакллантиришда нафақа тўлови тўхтатилиши белгилаб берилди.

Янги киритилган тартибга асосан 2024 йил 1 январдан бошлаб, болалар нафақаси тайинланган оилада янги фарзанд туғилса, болалар нафақаси миқдори автоматик кейинги ойнинг биринчи санасидан қайта ҳисобланади. Амалдаги тартиб бўйича эса маҳаллага болалар нафақасини қайта ҳисоблаш бўйича ёзма мурожаат қилиш талаб қилинар эди.

С.БОЗОРОВА,
туман "Инсон" ижтимоий хизматлар
маркази директори.

Фуқаронинг ҳуқуқи тикланди

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Тўрақўрғон туманида яшовчи фуқаро Р.Эгамбердиевнинг иш жойидан АКТ мутахассислари учун тўланиши лозим бўлган лавозим маошига устама тўлаб берилмаётганлигидан норозилиги тўғрисидаги мурожаати ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, вилоят қон қуйиш маркази бош врачининг 2023 йил 5 майдаги 56-сонли буйруғи билан фуқаро Р.Эгамбердиев ўриндошлик асосида 0,5 ставкага АКТ мутахассиси лавозимига ишга қабул қилинган. 5 августдан 97-сонли буйруққа асосан, 1 ставка асосий АКТ мутахассиси лавозимига ўтказилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли Фармонининг 7-бандида 2018 йил 1 июндан давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларига бериладиган ҳар ойлик устама миқдори давлат бюджетидан, давлат бюджетидан ажратилмаган бўлса, ушбу ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши кўрсатилган.

Бироқ, ўрганиш жараёнида иш берувчи томонидан АКТ мутахассиси Р.Эгамбердиевга фармонда кўрсатилган лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда устама тўланмаганлиги аниқланган. Вилоят қон қуйиш маркази томонидан тақдим этилган маълумотга кўра АКТ мутахассиси Р.Эгамбердиевга тўланмаган устама миқдори 2023 йил 1 ноябрь ҳолатига 5990795 сўмни ташкил қилган.

Таъкидлаш жоизки, Меҳнат ко-

дексининг 243-моддасига мувофиқ, иш берувчи томонидан ходимнинг малакасига, бажарадиган ишининг мураккаблигига, микдорига, сифати ва шароитларига қараб тўланадиган меҳнат учун мукофот суммаси, шунингдек компенсация хусусиятига эга тўловлар (компенсация хусусиятига эга қўшимча тўловлар ва устамалар, шу жумладан нормал иш шароитларидан четга чиқадиган шароитларда ишлаганлик, ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун шундай қўшимча тўловлар ва устамалар ҳамда компенсация хусусиятига эга бошқа тўловлар) ва рағбатлантирувчи тўловлар (рағбатлантирувчи хусусиятга эга қўшимча тўловлар ҳамда устамалар, мукофотлар ва тақдирловчи тўловлар) иш ҳақидир.

Шунингдек, кодекснинг 244-моддасида, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш соҳасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича камситишни тақиқлаш, иш берувчининг ўз молиявий аҳолидан қатъий назар, қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, меҳнат шартномасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларида мувофиқ ходимлар томонидан бажарилган иш учун ҳақ тўлашни амалга ошириш мажбуриятини мустаҳкамлаб қўйиш, ходимларга иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш кафолатланиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, адлия бошқармаси томонидан вилоят қон қуйиш марказига тақдимнома киритилди ва марказ АКТ мутахассиси Р.Эгамбердиевга тўланиши лозим бўлган устамани белгиланган тартибда тўланиши таъминланди.

Исломжон ТЎЛҚИНБОВЕВ,
вилоят адлия бошқармаси
бош маслаҳатчиси.

Давлат хизматлари кўрсатишдаги имтиёзлар

Мамлакатимизда фуқаролар ва тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиниб, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда хизматлар сифатини тубдан яхшилаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларга давлат хизматлари сифатли кўрсатилишини таъминлаш мақсадида бир қатор имтиёзлар белгиланган.

Жумладан, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари марказлари ва (ёки) Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали давлат хизматларини кўрсатишда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловлар бўйича 50 фоиз миқдорда чегирма қўлланилмоқда. Бунда тадбиркорлик фаолияти мақсадларида ёки юридик шахс-

лар вакили сифатида мурожаат қилинган ҳолатлар мустасно.

Давлат хизматлари марказлари, "Лицензия" ахборот тизими ҳамда ЯИДХП орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатидан уч иш кунидан ортиқ вақтга кечиктирилганда, ариза берувчиларнинг мурожаатларига асосан, хизматдан фойдаланиш учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва бошқа ҳар қандай тўловларнинг 50 фоизи уларга бир иш кунидан қайтарилади. Бунда, ариза берувчига тўловлар Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтарилади ва Адлия вазирлиги томонидан давлат хизматини кўрсатиш муддатини кечиктирган давлат органи ва ташкилотининг бюджетдан ташқари ва бошқа маблағлари ҳисобидан сўзсиз тартибда ундириб олинади, ариза берувчига тегишли давлат хизмати тўлиқ ҳажмда кўрсатилади.

Камолиддин ТУРДАЛИЕВ,
туман давлат хизматлари
маркази директори.

Гиёҳвандлик - ҳаётимиз кушангаси

Бугунги кунда гиёҳвандлик жаҳон жамоатчилигини хавотирга солаётган иллатлардан, очиқ айтадиган бўлсак, оғир жиноятлардан биридир. Айниқса, кейинги 20 йил ичида кўп мамлакатларда гиёҳванд моддалар билан биргаликда психотроп моддаларни истеъмол қилувчиларнинг сони бир мунча ортди. Шунинг учун аср вабосига айланган бу жиноятнинг олдини олиш учун кенг қамровли тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Психотроп дори-дармонларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида дорионалар ва бозорлар, тунги клуб ва масажхоналарда назорат текширувлари кучайтирилмоқда. Уни етиштириш, сотиш, истеъмол қилиш, ўтказиш билан шуғулланиши шубҳа остига олинган фуқаролар фаолияти фош этилмоқда. Масалан, 2023 йил 24 октябрь куни кеч соат 21.00 ларда тумандаги Катта Тошбулоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига Тепа Қиёт маҳалласида яшовчи, 1993 йилда туғилган М. исмли шахс шубҳали ҳаракатларни амалга оширганлиги учун ички ишлар ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида кўздан кечирилди. Эғнида бўлган курткасининг чўнтагида оқ рангли қоғоз парчасига ўралган қуруқ ҳолатдаги, ўткир хидли, оч яшил рангли ўсимлик барглари қонунга

хилоф равишда сақланаётганлиги маълум бўлди. Бу модда текшириш учун вилоят ИИБ экспертизасига юборилди. Кимёвий экспертиза хулосасига кўра у марихуана эканлиги аниқланди.

Шунинг учун бу шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинди. Тергов ва суриштириш давомида М.исмли фуқаро бир неча бор судланган. Лекин бундан у ўзига тегишли хулоса чиқармаган. Судда сўралган судланувчи айбига тўлиқ иқдор эканлигини билдириб, у устачилик фаолияти билан шуғулланиб келиши, 2023 йил октябрь ойлари бошларида тумандаги Кайковус МФЙдаги хонадонлардан бирида ишлаб, уйига қайтаётган вақтида Бешкапа маҳалласида жойлашган катта ариқ бўйида ёввойи наша ўсимлигини кўриб, қуритиб истеъмол қилиш учун барглари юлиб олиб кетган. Яшаш хонадонига келгач, сигарет шаклига келтириб чеккан. Қолган қисмини эса чўнтагига солиб, истеъмол қилиш мақсадида олиб юрган. Ана шу пайтда ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинган. Унга нисбатан қилмиши учун қонунда белгиланган тартибда жазо тайинланди.

Акмал КЕНЖАБОВЕВ,
жиноят ишлари туман суди раиси.

Жиноий ҳаракатини охирига етказа олмади

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан 2024 йил 5 январь куни кеч соат 23:00ларда ўтказилган тезкор тадбир пайтида Фарғона вилоятининг Кува туманида яшовчи М.Д исмли фуқаро Наманган туманидаги Равнақ маҳалласида яшовчи аввалдан таниши М.Мга сотиш мақсадида гиёҳвандлик воситасини олиб келган вақтида қўлга олинди. У муқаддам Жиноят кодексининг 246-моддаси 2-қисми ва 25,273-моддаси 5-қисми билан айбли деб

топилиб, ЖКнинг 57,59-моддалари тартибида 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлсада, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, қайта қасддан жиноят содир этиш йўлига кирди. Бу гал ҳам кўп миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб, сақлаб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда жиноий ҳаракатини охирига етказа олмади.

Ҳолислар иштирокида М.Днинг ёнини кўздан кечи-

рилганида икки бўлақдан иборат алоҳида ҳолатдаги қора рангли целофан пакетга ўралган ўткир хидли, кўкимтир рангли модда топилди. Текшириб кўрилганда, соф оғирлиги 337,88 грамм бўлган гашиш моддаси эканлиги аниқланди. Бу фуқарога нисбатан Жиноят кодексининг 25,273-моддаси 5-қисми билан жиноят иши кўзгатилди.

Акмалхон МАМАДХЎЖАЕВ,
туман ички ишлар бўлими
хузуридаги тергов бўлинмаси
катта терговчиси, капитан.



Миллий армиямиз - Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқонидир

Тумандаги 5-сонли умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Миллий армиямиз-Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқонидир" шиори остида ҳарбий ватанпарварлик тадбири ўтказилди. Унда тизимдаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида фаолият юритаётган 12 нафар байналминалчи жангчилар, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар мактаблари, педагогика коллежидаги чақириққача ёшларни тайёрлаш раҳбарлари қатнашдилар.

Иштирокчиларга 5,11,41-умумтаълим мактаблари жамоалари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, дастлабки ҳарбий кўникмаларни сингдириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни амалий тарзда намойиш қилдилар. Тадбирда фаоллик кўрсатган жамоалар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бўлинмаси Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

У.МАМАДАЛИЕВ,
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бўлинмаси Кенгаши раиси.

Маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда

Аввал хабар берганимиздек, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни аҳолининг барча қатламларига етказиш ва уларнинг дахлдорлигини ошириш мақсадида тумандаги барча маҳаллаларда "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун" шиори остида "Маҳаллада дув-дув гап" деб номланган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Уларда таниқли ижодкорлар, санъаткорлар, маънавият тарғиботчилари, имом-хатиблар иштирок этиб, юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қўлга киритилаётган ютуқлар, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги тутган ўрни, ёшлар тарбияси, маҳаллалар ободлиги, тинчлик -тоувликнинг қадри ҳақида фуқароларга батафсил тушунтиришмоқдалар.

Ана шундай тадбирлардан бири тумандаги Навқирон маҳалласида жойлашган 23-сонли умумтаълим мактабида ҳам бўлди. Тадбирда мазкур умумтаълим

мактаби директори Ойбек Жўраев, мактаб директори-нинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Малоҳат Эргашева, туман маданият маркази бадий раҳбари, хушовоз хонанда Жалолиддин Усмонов, туман имом-хатиби Пахриддин Юсупов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Давлатимиз раҳбари томонидан Маънавият ва маърифат Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар, юрт тинчлиги, маҳаллалар ободлиги, ёшлар таълим-тарбияси, бунда ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг ўрни, бурчи тўғрисида батафсил ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича долзарб масалаларга йиғилганлар эътиборини қаратдилар. Туманимиз санъаткорлари ижросидаги куй ва қўшиқлар тадбирга ўзгача бир ҳамоҳанглик бахш этди.

Элёрбек ҲАКИМОВ,
тумандаги Навқирон
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Савол беринг, жавоб берамиз

* * *

Савол:- Мен бюджет ташкилотиде ишлайман. Менга ижро интизомидаги камчиликларим учун 2023 йилда интизомий чора қўлланилган эди. Лекин 2024 йил январь ойида комплекс текширув келиб, ўтган 3 йиллик фаолиятимиз ўрганилди ва яна 2023 йилдаги ижро интизоми бузган деб ўша камчиликлар учун ҳайфсан қўллаш бўйича топшириқ кетибди. Бу қанчалик тўғри?

Жавоб: Меҳнат кодексининг 312-моддасида кўрсатилган ҳайфсан ва ўртача ойлик иш ҳақининг 30 (ёки ички хужжатларга кўра 50) фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жаримадан бирини қўллаб бўлгандан сўнг, яна ўша фаолиятни ўрганиб, интизомий чора қўллаш ёки меҳнат шартномасини бекор қилишга таклиф бериш ноқонуний ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 313-моддасида интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби белгиланган бўлиб, ҳар бир интизомий қилмиш учун фақат битта интизомий жазо чораси қўлланилиши мумкин, холос.

Муҳаммад Бобур ИСМОИЛОВ,
туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш
маркази бош юристконсулти.

* * *

Савол: Меҳнат кодексининг 100-моддасига асосан штат бирликлари қисқариши муносабати билан огоҳлантириш берилган ва ҳозирда ҳам ишлаб келаётган ходим бошқа ходимлар каби мукофот пулларини олишга ҳақлими? Ёки йўқми?

Жавоб: Ходимларга меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида огоҳлантириш берилиши уларни бирор-бир меҳнат имтиёзлари ва кафолатларидан маҳрум қилишга асос бўлмайди. Огоҳлантириш муддати тугаб, токи меҳнат шартномаси бекор қилингунига қадар ходимнинг меҳнат муносабатлари аввал қандай бўлган бўлса, бирдек давом этади. Аксинча, қўшимча енгилликлар берилиши мумкин. Бирор-бир меҳнат қонунчилик ҳужжатларида огоҳлантириш муддати давомида ходимларни меҳнат имтиёзларидан маҳрум қилиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш ҳақида нормалар кўрсатилмаган. Шундай экан, ходимлар огоҳлантириш муддати давомида бошқа ходимлар билан бирдек мукофот пулларини олишга ва бошқа меҳнат имтиёзларидан фойдаланишга ҳақли.

Достонбек СОБИРОВ,
туман юридик хизмат
кўрсатиш маркази бош юристконсулти.

Савол: Янги туғилган болани фарзандликка олган ходимга неча кун таътил берилади?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 406-моддасига мувофиқ янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимга бола фарзандликка олинган ёки васийлик белгиланган кундан бошлаб ва бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календарь кун (бир вақтнинг ўзиде икки ёки ундан ортиқ бола фарзандликка олинган тақдирда эса етмиш календарь кун) ўтгунига қадар қонунчиликда белгиланган. Лекин ўртача ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўланган ҳолда таътил берилади. Янги туғилган болани фарзандликка олган ёки унга васий қилиб белгиланган ходимнинг ёзма аризасига кўра, ходимга бола икки ёшга тўлгунига қадар болани парваришлаш таътили берилиб, ушбу давр учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда нафақа тўланади. Шунингдек бола уч ёшга тўлгунига қадар иш ҳақи сақланмайдиган таътил ҳам берилади.

Бекмирза ТЎРАБОЕВ,
туман юридик хизмат
кўрсатиш маркази бош юристконсулти.

* * *

Савол: Меҳнат таътилига чиққан ходимга топшириқ бериш мумкинми? Агар йўқ бўлса, шу нарсани асоси борми?

Жавоб: Мумкин эмас, ходимга таътил даврида Меҳнат кодексиде белгиланган қоидаларга амал қилмай топшириқ бериш қонунга зид. Меҳнат кодексининг 216-моддасиде таътилга таъриф берилган. Унга кўра, ҳар йилги меҳнат таътили - дам олиш ва ишлаш қобилятини тиклаш учун иш ўрни (лавозими) ҳамда ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ходим ишдан озод этиладиган, ходимга ҳар йили иш йили давомида бериладиган вақт давридир.

Акмалжон ХОЛБОЕВ,
туман юридик хизмат
кўрсатиш маркази бошлиғи.

Сел оқими ва сув тошқинларидан эҳтиёт бўлинг

Республикаимизда қиш фасли бўлишига қарамай, ҳаво ҳарорати ҳар йилгига қараганда илиқ келмоқда. Бундан кўринадик, илиқ ҳаво таъсирида юртимиз ва қўшни давлатлар тоғ тизмаларидаги қорлар эриши натижасиде қуйилган сувлар вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи сойлар, каналлари ва дарёларга қуйилиб, Норин ва Сирдарё дарёларида сув сатҳининг кўтарилишига олиб келиши, аҳоли ва ҳудудларга ҳамда унумдор экин ер майдонларига зарар етказиши мумкин.

Туманимиз ҳудудидан Норин ва Сирдарё дарёлари оқиб ўтган бўлиб, сел оқими ва сув тошқинлари билан боғлиқ бўлган табиий хусусиятли фавқулдда вазиятлар юз бериши ҳодисаси асосан баҳор ва куз ойларида сувнинг кескин кўтарилиши натижасиде дарёнинг қирғоқлари емирилади. Шунинг учун тошқин сувлар ва сел оқимларининг барқарор ва хавфсиз ўтказиб юбориши таъминлаш мақсадида, Сирдарё дарёсининг Шамсиқўл ва Шўркўрғон МФЙ ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмининг 2130 метр емирилган қисмини 2023 йил "Манзилли дастури" асосиде ўзан тозалаш, қирғоқ мустаҳкамлаш ва дамба тиклаш ишлари олиб борилди. Шамсиқўл ва Шўркўрғон МФЙ ҳудудиде яшовчи 237 та аҳоли яшаш хонадонлари ҳамда 17 гектар экин майдонларини сув тошқинларидан ҳимоя қилишга эришилди.

Бу каби муҳандислик тадбирлари манзилли дастур асосиде дарё ва сойларнинг емирилган, аҳоли хонадонларига ва экин майдонларига зарар келтириши мумкин бўлган бошқа қисмларида ҳам босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган. Мақсадимиз туман аҳолисининг мол-мулкни ва экин майдонларини сел оқимлари ва сув тошқинларидан ҳимоя қилишдан иборат.

Музаффар САЛОҲИДДИНОВ,
туман фавқулдда вазиятлар бўлими
тезкор бўлинма бошлиғи, лейтенант.

Мевали дарахт зараркундаларига қарши кураш усуллари

Республикаимиз шароитиде мевали дарахтлардан олма, нок, беҳи, олча, гилос, олхўри, ўрик ва шафтоли кабилар кўплаб экилади. Бироқ боғларни зараркунанде ҳашарот ва касалликлардан самарали ҳимоя қилмай туриб, улардан сифатли ҳамда юқори ҳосил олиб бўлмайди. Масалан, олма қуртига қарши кураш олиб борилмаса, ҳосилнинг 50 фоизи ва ҳатто 70 фозини йўқотиш мумкин. Олимлар томонидан, мевали боғларда 200 дан ортиқ зараркунанде ва 50 дан ортиқ касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар борлиғи қайд этилган. Улар йил ва мавсум давомида бир неча марта авлод бериб, дарахтларга катта зарар етказилади.

Бунинг учун мевали дарахтларга тупроқ иқлим шароитига қараб парвариш қилиш, зараркунанде ва касалликларга қарши кураш олиб бориш керак. Дарахтларни вегетация жараёнида агро-техника қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, тиним даврида зарарланган ва ортиқча новдаларини қирқиб, дала ташқарисига чиқариб, ёқиб юбориш лозим. Касалланган ва ортиқча новдаларни кесиб олишда фойдаланиладиган боғ арраси, қайчи ва пичоқларни бир дарахтдаги новдаларни кесганда 70 фоизли спирт билан дезинфекция қилинади.

Бактериал куйиш ва монилюоз билан зарарланган новдаларни касаллик бошланган жойини 10-15 сантиметр пастки қисмидан кесиб олиб, ўша жойга боғ суртмасидан ёки мойли буёқлардан суртиш лозим.

Э.УСМОНОВА,
М.ЖЎРАЕВА,
ўсимликлар карантини ва ҳимояси туман бўлими инспекторлари.

Билимдонлар беллашуви

Тумандаги 31-сонли умумтаълим мактабиде ўқувчиларни фанларга бўлган қизиқишини, салоҳиятини ошириш, ҳар чорак якунида уларни рағбатлантириб бориш мақсадида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг жонбозликлари доирасиде ўз машаққатидан "Ўқитувчи стипендияси" жорий этилди. Мазкур стипендия ўзбек тили ва адабиёти фанидан аъло баҳоларга ўқиган, ўзлаштириши юқори бўлган ўқувчиларга топширилади.

Яқинда умумтаълим мактабиде ана шундай ўқувчиларнинг 4 нафарига "Ўқитувчи стипендияси" берилди. Худду шу куни ўқувчилар ўзбек тили ва адабиёти фанини қай даражада ўзлаштираётганликларини амалда намоён этдилар. Жумладан, 6-7-синф ўқувчилари ўртасиде "Билимдонлар беллашуви" кўрик-танлови ўтказилди. Танловда иштирокчилар гуруҳ номини таништириш, мақолларни давом эттириш, саволларга жавоб бериш, сўзни тўғри ёзиш, ифодали шеър айтиш каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар. Ғоят қизиқарли ва кескин мунозараларга бой тарзда ўтган танловда 7-"А" синф жамоаси биринчи, 6-"А"-синф иккинчи, 6-"Б"-синф ўқувчилари учинчи ўринни эгалладилар. Ғолибларга мактаб маъмуриятининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Умида САИДВАҚҚОСОВА,
мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.



Аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш босқичлари

Бирлашган миллатлар ташкилотига аъзо давлатлар ҳар 10 йилда аҳолини рўйхатдан ўтказишлари орқали уларнинг сони, ёши, жинси, маълумоти, иш жойи, миллати, шунингдек, турар-жойи ва яшаш шароитлари каби саволларга жавоб бериши керак бўлади. Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишлари кенг қамровли тадбир бўлиб, кетма-кет ҳамда бир вақтнинг ўзида тегишли тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Биринчи босқичда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланади. Рўйхатга олиш тад-

бири дастури, уни ўтказиш, натижаларини олиш ва эълон қилишни ташкил этиш услубияти ишлаб чиқилади. Ҳар бир рўйхатга олувчиларни ўз ҳудуди бўйича хариталар билан таъминланади.

Ҳар бир хонадон рақамланиши ва кўчалар номланиши амалга оширилади. Шунингдек, рўйхатга олувчиларни танлаш ҳам энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, маълумотларнинг тўғрилигига бевосита масъул бўладилар ва шакллантирилган маълумотлар ҳаққоний бўлиши шарт. Бу жараёнга вояга етган ёшдаги ва муомала лаёқатига эга бўлган шахслар жалб этилади. Биринчи навбатда, Президент ҳузуридаги статистика агентлиги ва унинг ҳудудий

органлари ходимлари, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва юқори босқич талабалари, академик лицейлар ва умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, шунингдек, бошқа тоифадаги шахслар мазкур жараёнда иштирок этишга рози бўлган тақдирда, жалб қилиниши мумкин. Туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда жойларда рўйхатга олувчи ходимларни ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади ва зарурат туғилса, уларга қўшимча маслаҳатлар берилади.

Иккинчи босқичда бевосита аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш ишлари амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади. Учинчи босқичда эса аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижаларини эълон қилиш ва уларни тарқатиш ишлари амалга оширилади.

Ҳусанбой СОБИРОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

Эй фалак, онамни сен,
Синайверма бардошин.
Ахир ўзи ярим жон,
Эзайверма ўкситиб.

Йиғлайверманг волидам,
Биз бўламиз сизга кўз.
Ёритади йўлингиз,
Яратган қодир эгам.

Кўзи очиқ кўрлар зор,
Кўролмасдан дунёни.
Сизда-чи қалб кўзи бор,
Берар меҳру зиёни.

Сиз хурсанд бўлган чоғда,
Булбуллар сайрар боғда.
Қизингиз сезар ўзин,
Энг бахтли бу оламда.

Муборак ЎРИНБОЕВА,
туман ногиронлар жамияти раиси.

Наъматак атиргулнинг ёввойи тури. Тоғ ва тўқайларда ўсади. Бўйи 2-3 метр келадиган тиканли, сершоҳ бута. Барглари мураккаб, 5-9 япроқчали. Июнь-июль ойларида гуллайди. Наъматакнинг меваси таркибида инсон саломатлиги учун зарур лимон кислотаси, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Табобатда авитаминоз касаллигининг олдини олишда ишлатилади. Наъматак таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган С,В2, Е,К витаминлари мавжуд.

Машхур табиб Абу Али ибн Сино таърифига кўра наъматакнинг барча тури тозаловчи ва суолтирувчи хусусиятига эга. Қулоқ ичидаги қуртларни ўлдирди, қулоқ шангиллаши ва тиш оғриғига фойда беради. Наъматак дамламаси ўпка сили, терлама, ўт қобиғи яллиғланиши, меда-ичак, буйрак, қовуқ касалликларини даволашда ишлатилади. Унинг меваси танага қувват бағишлайди, модда алмашинувини яхшилайдиган, чидамликни оширади, йўтални кетказди. Ҳазм қилиш йўллари яллиғланишини даволайди, жигар оғриғидан халос этади. Агар кунига 2 граммдан қуритилган мевасидан истеъмол қилиб турилса, ёшликни узайтиради, жинсий қувватни сақлашга ёрдам беради.

Наъматакнинг фойдали хусусияти ўзида кўпгина



◆ ШИФОБАХТ ЎСИМЛИКЛАР НАЪМАТАК

С гуруҳ витаминини сақлайди. Уни кузда авжига чиқадиган шамоллаш ва вирусларнинг олдини олишда, даволашда истеъмол қилиш керак. Иммунитетни мустаҳкамлаб, организмни соғлом қиладиган. Юрак ва қон-томир тизимига яхши таъсир кўрсатади, қон босимини нормаллаштиради, камқонликда ҳам фойдали. Ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаб, зарарли токсинлар ва шлакларни чиқариб ташлайди.

Наъматакни истеъмол қилишни ҳаммага ҳам тавсия этилмайди. Чунки, у ўзида кислоталарни кўп сақлаши сабаб, ошқозон гастрити ва ярасидан азият чекувчиларга мумкин эмас. Ундан тайёрланган дамламаларни қон босими тушган кишиларга берилмайди. Наъматакли чойни мунтазам ва кўп миқдорда истеъмол қилиш инфекциясиз сариқ касаллигига олиб келиши ҳам мумкин.

Рухшона ҲАБИБУЛЛАЕВА,
тумандаги 32-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 9-”А”синф ўқувчиси.

Қадимги Рим тангалари

Олимлар дунёдаги кўп тилларда пул ва ҳайвон бир хил ёки умумий негизи ўхшаш сўзлар билан ифодаланишига анчадан бери эътибор бермоқдалар. Масалан, қадимги римликлар пул ва ҳайвонни “пенукиа” дейишган. Асрлар кетидан асрлар ўтиб боравериши билан кимнингдир миясига пулга ўз тамга нишонини қўйиб, оғирлиги ва металлнинг софлигини тасдиқлаш керак, деган фикр келади. Бир парча металлга тамга босишни ўйлаб топиб, шу билан металлни танга қилиб қўйган киши ким экан, деган савол туғилади. Буни биринчи галда мартабаси улуғ, кўпчиликнинг ишончига сазовор бўлган катта савдогар ўйлаб топган бўлса керак.

Йилнинг биринчи ойини Янус шарафига унинг номи билан - январь деб аташадиган бўлишибди. Рим уруш бошласа, Янус ибодатхонасининг эшикларини очишар, уруш тугаса ёпишар экан. У пайтда римликлар ер юзидаги барча муҳим нарсалар худоларнинг амри билан барпо қилинган, деб ишонар эдилар. Янусни биринчи танганинг яратувчиси деб билишарди. Шунинг учун ҳам Италиядаги кўп шаҳарларнинг қадимги тангаларига бир томонида икки юзли бош, иккинчи томонида эса кема тумшуғи тасвирланарди. Гўё Янус бу мамлакат соҳилларига ана шу кемада сузиб келган эмиш. Лекин ҳозирги кунга қадар биринчи танга қаерда пайдо бўлганлиги ҳақида баҳслашадилар. Баъзилари дастлабки танга грекларнинг Эгина оролида, пайдо бўлган деб фикр билдиришади, Ҳатто вақтини ҳам белгилаб,

саккизинчи олимпиададан кейинроқ пайдо бўлган дейилади.

Дастлабки танга кичкинагина оддий металл куймасидан иборат бўлиб, кўпол ноаниқ шаклда бўлган. Фирибгарлар бундан фойдаланганлар. Улар ҳар бир олтин ёки кумуш бўлагидан оз-оз қирқиб олиб, эритиб янги пул куйганлар. Шакли ноаниқ куйилмаларнинг камайиб қолганлигини эса бир қарашда пайқаш қийин бўлганлиги учун анча вақтгача бундан ҳеч ким хабар топмаган. Бундай фирибгарчиликка чек қўйиш учун пулларга аниқ шакл бериб, устига чизик тортиб, нуқталар қўйиб чиқарилган. Кейинчалик эса бу тангаларга расмлар соладиган, ёзувлар битадиган, ёнига қўнғирадор нақш чизадиган бўлганлар.

Римликлар кумуш тангани эрамиздан аввалги 269 йилдан бошлаб, олтин танталарни эса эллик йил кейин зарб қила бошлаганлар. Асосий пул бирлиги динор ҳисобланган. Пул бирликлари аста-секинлик билан ривожланиб борган. Асрлар ўтиши билан Римда тангаларнинг қиймати белгилари қуйидагича бўлиб борган: денар, квинари, сестерсий пуллари чиқарилган. Рим тангаларининг оғирлик ўлчов бирликлари фунт, унсий, ситилин, драхмадир. Мис тангалар - қадимги Рим тангаларининг асоси. Рим тангаларига қадимги Юнонистон тангалари бир қанча таъсир ўтказган. Римда эса кейинчалик кумуш тангаларни зарб қилиш йўлга қўйилди. Кейин бир оз вақт ўтиши билан тангалар вазнининг пасайтирилиши юз бера бошлади. Ўша даврда зарб қилинган олтин тангалар ҳақида гапирадиган бўлсак, Юлий Цезар тангалари мисол бўлиши мумкин.

М.РАҲМОНАЛИЕВА,
вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими.

© Диний-маърифий мавзуда Шўқр неъматни зиёда қиладиган

Аллоҳ таолонинг “Агар мен берган неъматимга шукур келтирсангиз, мен яна неъматларимни зиёда қиламан”, - деган ваъдаси бор. Ҳадису шарифда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом марҳамат қилиб “Аллоҳ таалло бандига бир катта, кичикми бир неъмат берса ва банда унинг шуқронаси учун Аллоҳга ҳамд бўлсин” деса, ўша неъматдан ҳам афзалроқ нарсага эришган бўлади”, деганлар.

Имом Ҳасан Басрий эса “Одам боласининг бир куни ўтса бу ҳақда фикр қилсин. Агар бугунги куни яхшилик келтирган бўлса, бунга мувофиқ қилгани учун Аллоҳга шуқрлар айлаласин. Агар бунинг акси бўлса, тавба қилсин, кундузги нуқсон ва камчиликларини тунда бар-тараф этишга азму-қарор айла-

син, Зеро, яхшиликлар ёмонликларни ювиб кетказди. У соғ-саломат бўлгани учун Аллоҳга шуқроналар айтсин, қолган умрида камчиликларини тўлдириш мумкин бўлади” деган фикрларни билдирганлар.

Демак ҳар бир комил мўмин бўлган эркак ва аёл шуқроналик моҳиятини чуқур англаб, ҳар бир неъмат Яратган парвардигор томонидан берилган, деб шуларнинг ҳаққини чиройли адо этиши лозим. Ана шундагина нафақат бу дунёда балки, охиратда ҳам саодатга эришади. Комил инсон ўзига нимани раво кўрса, биродарига ҳам ўшани раво кўрмас экан, имон камолатга етмайди.

Ғулумжон САТТОРОВ,
тумандаги “Ал-масжидун Набавий” жомеъ масжиди имом ноиб.

БИЛДИРИШЛАР

Тумандаги Оқ ер маҳалласида яшовчи Валиев Собиржонга тегишли бўлган “Москвич-412” русумли 50 Q 733 АА давлат рақамли автомашинасининг техпаспорти йўқолганлиги **билдирилади.**

* * *

Тумандаги Кичик Қурама маҳалласида яшовчи Сидиғалиев Акрамжон Валижон ўғлига тегишли бўлган ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **билдирилади.**

"ИСТИҚЛОЛ"
НАМАНГАН ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИНИНГ ГАЗЕТАСИ
ТАЪСИСЧИ: Наманган туман ҳокимлиги ҳамда “Истиқлол” газетаси ижодий жамоаси.

МУҲАРРИР:
Юнусали ҚЎЧҚОРОВ

Газета Наманган вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 29 декабрда 08-0009 рақами билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-6033

Нашр учун масъул:
Рашида ТОШБОЕВА.
Тахририят манзили: Наманган тумани, Тошбулоқ шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси.
ТЕЛЕФОН:
Муҳаррир-47-21-440.

Индекс:
Якка обуначилар учун 5023.
Ташкилотлар учун 5024.
Босишга топшириш вақти 17.00.